



Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Савбон розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мени жаннатга киритадиган амал ҳақида сўрадим. У киши: «Кўп сажда қил, чунки сен Аллоҳ учун бир марта сажда қилсанг Аллоҳ таоло бу билан сени бир даражага юксалтиради ва сендан битта хатони ўчиради», дедилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Рабиъа ибн Каъб ал-Асламий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга тунаб қолардим. Бир куни таҳоратларига сув ва баъзи эҳтиёжларини келтирдим. Менга: «Нима тилагинг бор, сўра», дедилар. Мен: «Жаннатда сиз билан бирга бўлишни сўрайман», дедим. «Бундан бошқа нарса эмасми?», дедилар. Мен: «Тилагим фақат шу», дедим. «Ундей бўлса, бунинг учун кўп сажда қилиш билан менга ёрдам бер», дедилар.

## Саждада Қуръон ўқишдан қайтарилганлиги



Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингиз, мен рукуъ ёки сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишдан қайтарилидим. Рукуъда Парвардигор азза ва жаллани улуғлангиз, саждада эса дуога жидди-жаҳд қилингиз, ижобат қилинишга лойик бўласизлар» дедилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Али розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мени рукуъ ёки саждада Қуръон ўкишдан қайтардилар.

**Имомдан олдин саждадан бош күтаришдан кайтарилғанлиги**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ бўлган



ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз имомдан аввал бошини кўтарса, Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига ёки шаклини эшакнинг шаклига айлантириб қўйишидан кўрқмайдими?!», дедилар.

**Шарҳ:**

Сажда шундай ибодатки банда уни қилиш билан Аллоҳ таоло қаршисида ўзининг хорлиги, унга бўйсуниши ва итоат қилишини изҳор қиласи. Шунинг учун бўлса керак – валлоҳу аълам – намозхон саждада турганида Қуръон ўқишдан қайтарилиган, чунки Аллоҳнинг каломи сўзларнинг энг улуғи ва олийсидир. Шунингдек, намозхон рукуъда ҳам, саждада ҳам, бошини имомдан аввал кўтаришдан қайтарилиган ва бу амални қилган киши учун қаттиқ ваъидлар ворид бўлган.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Сажданинг фазли улуғ бўлиб, уни кўп қилиш жаннатга кириш сабабларидан бири.
2. Саждада Қуръон ўқишдан қайтарилиган.
3. Имомдан аввал бошини кўтарган кимсага қаттиқ ваъидлар ворид бўлган.